



«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Хазорасп пахта тозалаш»
АЖ Акциядорларининг
2017 йил 27 июндаги умумий
йиғилиши №1 қарори билан

Хазорасп пахта тозалаш акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги 1-Биринчи йиллик ҳисоботига ўзгартириш киралди.

1. Акциядорлик жамияти ҳисоботига ўзгартириш киралди.

Ошша қарорнинг асослари шундан иборатдир:

**«Хазорасп пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши тўғрисидаги
НИЗОМ**

1. Кузатув кенгаши шундан иборатдир:

Акциядорлик жамияти ҳисоботига ўзгартириш киралди.

Акциядорлик жамияти умумий йиғилиши қўғиқиб қўйилди.

Кузатув кенгаши шундан иборатдир:

2017 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом «Хазорасп пахта тозалаш» акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг (кейинги ўринларда – Кузатув кенгаши) ташкил этиш ва фаолият юритиш тартибини, унинг аъзоларини сайлаш, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган меъёрларни ўз ичига олади.

«Хазорасп пахта тозалаш» акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Овоз берувчи акциялар эгаси бўлган акциядорларнинг сони ўттиз кишидан кам бўлса, жамиятда жамият кузатув кенгашининг вазифалари жамият устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши зиммасига юклатилиши мумкин.

3. Жамият Кузатув кенгашининг сон таркиби етти кишидан иборат. Кузатув кенгаши таркибига камида битта (Уставда кўрсатилган Кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо киритилади.

II. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санани белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш, шунингдек аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

Жамият Уставига мувофиқ ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан унга шундай ҳуқуқ берилган бўлса, эълон қилинган акцияларнинг типи ва сони доирасида кўшимча акциялар жойлаштириш орқали Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;

эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисида агар Жамият Уставида бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, қарор қабул қилиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

Жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни қонунда назарда тутилган ҳолларда, агар Жамият Устави ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан унга шундай ҳуқуқ берилган бўлса, харид қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият ижроия органи раҳбарини хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида сайлаш ва Жамият ижроия органини ташкил этиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва х.), унинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узок муддатли стратегия асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режаларни тасдиқлаш, агар Жамият Устави билан ушбу ваколат Кузатув кенгашига берилган бўлса;

зиммасига Жамият корпоратив маслаҳатчиси вазифаси юклатиладиган акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси раҳбарини тайинлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узок муддатли стратегия асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режаларни маъқуллаш, агар Жамият Устави билан Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан берилмаган бўлса. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмасдан маъқулланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек унинг ходимларини аттестациядан ўтказиш;

Жамият ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш, агар Жамият Устави билан ушбу ваколат Кузатув кенгашига берилган бўлса;

Жамиятнинг Тафтиш комиссияси (тафтишчи) аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

акциялар бўйича дивиденд миқдори ва уни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Жамиятнинг бошқарув органи фаолият тартибини белгилайдиган ҳужжатларни тасдиқлаш;

Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган ҳолларда мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган ҳолларда аффилиланган шахслар билан битимларни тузиш;

Жамиятнинг бошқа хўжалик жамиятларидаги иштироки билан боғлиқ битимларни тузиш;

Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

ҳар чоракда Жамият ижроия органи раҳбарининг Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш ва Жамиятнинг коллегиял ижроия органи раҳбари билан тузилган шартномани, агар у Жамиятнинг тасдиқланган йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини бузса ёки қўпол хатоларга йўл қўйса, муддатидан илгари тугатиш;

Жамиятнинг коллегиял ижроия органи (Бошқарув) раҳбари билан тузилган шартномани, у шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилиш;

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Қонунга ва Жамият Уставига мувофиқ киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамият ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

5. Кузатув кенгашининг Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилиш бўйича ваколатлари:

“Ҳазорасп пахта тозалаш” АЖ Ахборот-сиёсати тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ва унга Жамиятнинг бошқарув ва назорат органи ва ходимлари томонидан амал қилинишини таъминлаш;

фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан, ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар - маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда, бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятни ривожлантириш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказишни ташкил қилиш;

Жамиятнинг ички назорат тизимини жорий қилишнинг асосий мақсадини барча акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш деб белгилаш;

ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш масаласини Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқиш;

Жамият ижроия органининг Жамият таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режаларига мувофиқ бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш;

саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг вазифасини бажариш учун мустақил экспертларни (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиларини) жалб этиш;

акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик юритишга жавобгар бўлган ходимни ёки бўлинмани тайинлаш;

ижроий органи, Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларининг, шунингдек аудиторлик ташкилоти вакилининг акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этишини таъминлаш;

қуйидагиларни ўз ичига киритган узоқ муддатга мўлжалланган вазифалар ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш:

- акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошириш вазифаларини Жамиятнинг стратегик мақсади сифатида белгилаш;

- тармоқ хусусиятининг ўзига хослиги, рақобат муҳити таҳлили, экспортга йўналтирилганлик ва тегишли соҳа, тармоқ, ва ҳудудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиққан ҳолда Жамиятнинг 5 йилдан ортиқ давр учун узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

хорижий тажрибада муваффақиятли синовдан ўтган бошқарув услублари, шу жумладан, SWOT, GAP таҳлил ва бошқа ёндашувлар, махсус дастурий маҳсулотлар ва бошқаларни қўллаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узок муддатли стратегия асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режалар ишлаб чиқиш;

Жамиятда қабул қилинган ҳар бир ривожланиш режаси бўйича белгиланган мақсадларга эришиш мониторингини амалга ошириш учун зарурий сон ва сифат мезонларини жорий этиш;

ижроия органи, Жамиятда ташкил этилган ички назорат органлари ва коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур ҳолларда, Жамиятни ривожлантириш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этиш;

ижроия органи, бошқарув ва назорат органлари ва Жамият акциядорлари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлаш;

Жамият мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонун ҳужжатлари, Жамият устави ва бошқарув органи қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни оқилона бажариши тўғрисидаги талабларни жорий этиш;

Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

Кузатув кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши, Жамият устави ва ривожланиш режалари томонидан қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши учун ижроия органи ваколатига кирувчи масалаларни у томонидан мустақил ҳал этиш талабини жорий этиш;

Жамиятнинг амалдаги ташкилий тузилмасини қонун ҳужжатларига мувофиқлигини мунтазам баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш;

Жамиятнинг раҳбарлик лавозимларига хорижий менежерлар номзодларининг иштирок этишига имкон яратган ҳолда, ҳар йили танловлар ўтказиш;

раҳбарлик лавозимларига танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари, унинг якунига кўра янги, замонавий фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакали раҳбарларни, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнлари баён этилган танловлар регламентини тасдиқлаш;

йиллик молиявий ҳисоботларни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (ХМҲС) мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш;

Жамиятнинг молиявий ҳисоботларини ХМҲСга мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш масалалари бўйича тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, Кузатув кенгаши аъзолари, Жамиятнинг масъул мансабдор шахслари ва жалб этилган экспертлар (зарур ҳолларда)дан иборат ишчи гуруҳ тузиш;

ахборотни ХМҲС ҳамда халқаро аудит стандартлари асосида эълон қилишга ўтиш бўйича малакали хизмат кўрсатиш учун аудиторлик ёки консалтинг ташкилотини жалб этиш;

аудиторлик ташкилоти билан ҳамкорликда ахборотларни ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилишга ўтишнинг босқичли алгоритми (тадбирлар режаси)ни ишлаб чиқиш ва Кузатув кенгашининг мажлисида тасдиқлаш;

мустақил ташкилотни жалб қилган ҳолда, Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун йилига камида бир марта Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш мониторингини ўтказиш;

Жамиятда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ўз ваколатлари доирасида Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш ва унга риоя этиш бўйича бошқа масалаларни ҳал этиш.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ВА ТАЙИНЛАШ

6. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Қонунда ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

7. Давлат ишончли вакили, шунингдек давлат вакили лавозимига кўра Жамият Кузатув кенгаши аъзоси ҳисобланадилар, акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланмайдилар (қайта сайланмайдилар).

8. Жамият ижроия органи аъзолари Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Айти шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига Қонунда назарда тутилган тартибда Жамият акциядорлари ҳисобланмайдиган шахслар ҳам сайланиши мумкин.

Кузатув кенгаши аъзолиги учун номзодларга малака талаблари, шу жумладан, устав капиталида давлат улуши бўлган Жамиятда Корпоратив

бошқарув илмий-таълим маркази томонидан берилган корпоратив бошқарувчи малака аттестати мавжудлиги Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

9. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар устав ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

Қуйидаги шахслар Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин:

(I) сўнгги беш йил мобайнида Жамиятда, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналарида ишламаган шахслар;

(II) Жамиятнинг, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналарининг акциядорлари бўлмаган шахслар;

(III) Жамиятнинг, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари билан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг баробаридан юқори миқдорга тегишли шартнома тузган йирик миждозлар ёки етказиб берувчилар билан боғлиқ бўлмаган шахслар;

(IV) Жамият, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари билан хизмат кўрсатиш юзасидан шартномага эга бўлмаган шахслар;

(V) Жамият, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари раҳбарлари бўлган ёки сўнгги беш йил мобайнида шундай лавозимларда ишлаган шахснинг оила аъзоси бўлмаган шахслар;

(VI) Жамиятни назорат қилувчи шахс (ёки Жамият устидан жамоа тарзида назорат олиб боровчи гуруҳ ва/ёки ташкилот аъзоси) бўлмаган шахслар;

(VII) Жамият билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома орқали боғлиқ бўлмаган ва Жамиятнинг юқори тармоқ маҳкамаси (компания) ёки йирик акциядорининг ходими бўлмаган шахслар.

10. Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни бир номзодга тўлиқ беришга ёки уларни Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига бир неча номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

11. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

12. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

13. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

14. Кузатув кенгаши аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш куйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори;

Кузатув кенгашининг бештадан кўп йиғилишини кетма-кет узрсиз сабабларга кўра қолдирган шахслар;

ушбу Жамият Кузатув кенгаши аъзоси вазифасини қўшиб олиб бориши мумкин бўлмаган лавозимга тайинланган шахслар;

конун ҳужжатларида назрада тутилган бошқа ҳоллар.

Кузатув кенгашига тайинланган давлат вакилининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш Давлат рақобат қўмитаси таклифига кўра акциядорлик бирлашмалари ва компанияларда акцияларнинг давлат улушидан самарали фойдаланиш мониторинги бўйича комиссия қарори билан амалга оширилади.

IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ

15. Жамият Кузатув кенгаши раиси, Жамият Уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, Кузатув кенгаши аъзолари томонидан унинг таркибидан Кузатув кенгашига сайланган (тайинланган) аъзолар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

16. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини, Жамият Уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

17. Жамият Кузатув кенгаши раиси, Жамият Уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, унинг ишини ташкил этади, Акциядорлар умумий йиғилишини очади ва унда раислик қилади.

Жамият Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши мажлисларини сўров ўтказиш йўли билан, шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш ҳолатлари ва тартибини белгилайди.

18. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири, умумий йиғилишда бўлмаган тақдирда эса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланган шахс амалга оширади.

19. Жамият номидан яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор), коллегиял ижроия органи (Бошқарув, дирекция) раҳбари ва аъзолари, ташкилот бошқарувчиси ёки бошқарувчи билан шартномалар Жамият Кузатув кенгашининг раиси томонидан имзоланади.

V. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИ, УНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИ ВА КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИНИНГ МАЖЛИСНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИФАЛАРИ

20. Жамият Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгашининг мажлисини чақиради ва унда раислик қилади, мажлис регламентини белгилайди, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

21. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши раисининг ўз ташаббуси билан, Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзоси, Жамият ижроия органи, шунингдек Жамият Уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб этишга ҳақли.

Жамиятнинг Уставида Кузатув кенгаши мажлисини чақириш ва уни ўтказиш тартиби белгиланади. Кузатув кенгаши мажлиси, қоидага кўра, йил чорагида камида бир марта ўтказилади.

22. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Уставига мувофиқ Жамият Кузатув кенгашига сайланган (тайинланган) аъзолар сонининг камида етмиш беш фоизини ташкил этади.

23. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг фавкулудда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари фақат Акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

24. Жамият Кузатув кенгаши мажлисидаги қарорлар, агар "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда ва Жамият Уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, мажлисда қатнашаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади.

Агар Жамият Уставида назарда тутилган бўлса, Жамият Кузатув кенгаши раиси Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

Кузатув кенгашининг давлат вакили иштирокисиз қабул қилинган қарорлари ижро этилмайди.

25. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

26. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

27. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган жой ва сана;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлисининг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

28. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

IV. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

29. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатув кенгашининг мажлисларида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама этилаётган масала бўйича регламентга кўра ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

Кузатув кенгаши қарорига кўра Жамиятнинг муайян даврдаги фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;

Кузатув кенгашида ишлаганлик учун тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув кенгаши раиси томонидан Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори фаолият самарадорлигига қараб, Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

30. Кузатув кенгашининг Жамият битишув тузишидан манфаатдор бўлган аъзоси ўз манфаатдорлиги тўғрисида Кузатув кенгашига битишув тузилиши пайтигача маълум қилиши шарт, битишув тўғрисидаги қарор эса Кузатув кенгаши томонидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда, тегишли равишда Кузатув кенгаши аъзолари ёки бундай манфаатдорлиги бўлмаган акциядорларнинг кўпчилик овози билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

31. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

32. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

33. Кузатувчи кенгаш аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамият манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбур.

VII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

34. Акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишида сайланган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари қонунда белгиланган тартибда ҳақ ва компенсация олишга ҳақли.

35. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзосига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори ойига Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг йигирма баробарини ташкил этади. Ҳақ ва компенсация суммаси Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ой давомида тўланади.

36. Жамият бухгалтерияси акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси имзоланган кундан бошлаб, беш кундан кечиктирмай умумий йиғилиш котиби томонидан Жамият ижроия органи раҳбарига Кузатув кенгаши аъзоларининг паспорт нусхалари, СТИР ва ПҚИРларини илова қилган ҳолда тақдим этилган Жамият Кузатув кенгаши сайланган аъзоларининг шахсий таркиби тўғрисидаги билдиришномага қўйилган Жамият ижроия органи раҳбари резолюцияси асосида ҳар ойда Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ ва компенсация белгилайди ва тўлаб беради.

37. Жамият бухгалтерияси ҳақ ва компенсация ажратишда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ даромад солиғи ва бошқа ажратмаларни ушлаб қолади. Олинмаган ҳақ ва компенсациялар белгиланган тартибда ҳисобда сақланади.

38. Ҳақ ва компенсациялар тўлаш билан боғлиқ харажатлар Жамиятнинг даврий харажатларига тааллуқли ҳисобланади, Жамият бухгалтерияси томонидан бу ҳақда тегишли проводка ўтказилади.

39. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига қуйидаги ҳолларда ҳақ ва компенсациялар тўланмайди:

- Жамият Кузатув кенгашидаги фаолияти тугатилганда;
- Кузатув кенгаши мажлисларида Кузатув кенгаши аъзолари томонидан узрли сабабларсиз қатнашмаганлик ва (акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра) ўз мажбуриятларини бажармаганлик аниқланганда.

40. Кузатув кенгаши аъзоларига ушбу Низомда белгиланган миқдорда тўланадиган ҳақ ва компенсациялардан ташқари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамиятнинг бизнес-режасида белгиланган миқдордан ортиқ олинган соф фойдаси қисми ҳисобидан ва Жамият фаолиятининг молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, тақдирлаш амалга оширилиши мумкин.

VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

41. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Жамият олдида қонун ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Бунда овоз беришда иштирок этмаган ёки Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

42. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамият Кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.